

# “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг харид қилиш тартиб-таомилларида контрагентларни текшириш тўғрисидаги

## ЙЎРИҚНОМА

### I. Умумий қоидалар

1.1 “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг харид қилиш тартиб-таомилларида контрагентларни текшириш тўғрисидаги Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги, “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли Фармониغا, 2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сонли “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига, “Ўзмилийбанк” АЖ коррупцияга қарши курашиш Сиёсати”га (№107-в 28.12.2021й) ҳамда “Коррупцияга қарши курашиш менежменти тизимлари” (ISO 37001:2016) халқаро стандартидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш Агентлиги томонидан тавсиявий бўлган “Давлат органлари ва ташкилотлари, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида контрагентларни текширишга оид Йўриқнома”га асосан ишлаб чиқилди.

Мазкур Йўриқнома “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – **Банк**) томонидан харид қилиш тартиб-таомиллари, шу жумладан тўғридан-тўғри шартнома тузишда иштирокчиларни мажбурий текширишнинг (кейинги ўринларда Харид жараёнлари иштирокчиларини текшириш) асосий талаблари, тартиби ва усулларини белгилайди.

Мазкур йўриқнома талабларини бузган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади. Ушбу йўриқнома Банк бошқаруви томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради.

1.2 Харид жараёнлари иштирокчиларини текширишнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- Харид жараёнлари иштирокчиларининг таклифлари амалдаги қонун ва қонун ости ҳужжатларига зид келмаслиги;
- Банк ходимларининг манфаатлар тўқнашуви ва шахсий манфаатдорлиги билан боғлиқ бўлган коррупциявий хатарларни камайтириш;
- Харид жараёнларида инсон омилини камайтириш, шаффофлик ва очиклик тамойилларига риоя этиш;
- Контрагент билан шартнома тузиш тўғрисидаги қарорни тегишли даражада эҳтиёткорлик билан қабул қилиш.

1.3 Харид жараёнлари иштирокчиларини текшириш хариднинг барча иштирокчилари, шу жумладан, улар ўртасидаги алоқа мавжудлиги эҳтимоли нуқтаи-назаридан ҳам амалга оширилади.

1.4 Текширув ушбу Йўриқноманинг 1.6 ва 1.7-бандида кўрсатилганлардан ташқари барча янги контрагентларга нисбатан, шунингдек амалдаги контрагентларга нисбатан камида бир йилда бир марта амалга оширилади.

1.5 Ушбу Йўриқноманинг 1.6 ва 1.7-бандида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, контрагент текшируви натижалари бўйича маълумотларни олмасдан туриб шартномани имзолаш ва (ёки) тўловларни амалга оширишга йўл қўйилмайди.

1.6 Электрон дўкон ва аукцион шаклида ўтказиладиган харидлар бўйича контрагентлар ташаббускор бўлинма томонидан текширилади.

1.7 Шунингдек, текширув қуйидаги контрагентларга нисбатан амалга оширилмаслиги мумкин:

а) Банк марказий аппарати билан филиаллар ўзаро шартномавий муносабатга киришаётган бўлса;

б) Коммунал ва бошқа шу каби хизматларни (шу жумладан, электр таъминоти, газ таъминоти, иссиқлик таъминоти, муҳандислик-техника таъминоти, сув таъминоти, сув чиқариш, оқава сувларни тозалаш, қаттиқ маиший чиқиндиларни утилизация қилиш (кўмиш) тармоқларига уланиш), шунингдек давлат томонидан тартибга солинадиган товарлар (ишларнинг, хизматларнинг) нархлар (тарифлар) бўйича етказиб берувчи ҳисобланган контрагентлар;

с) Ўзбекистон Республикасининг табиий монополиялари ҳисобланган контрагентлар. Бунда контрагентлар амалдаги Табиий монополия субъектларининг Давлат реестридаги корхоналар рўйхати орқали текширилади.

1.8 Ушбу Йўриқномада қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилган:

**Харид комиссияси** - “Давлат харидлари тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва “Ўзмиллийбанк” АЖда харидларни ташкиллаштириш ва ўтказиш Тартиби”га мувофиқ банк томонидан харидларни ўтказиш учун тузилган коллегиал орган.

**ижрочи** – Банкда тузилган харид комиссияси аъзолари (Бунда ижрочи томонидан контрагентларни текшириш “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунига асосан олиб борилади). Ижрочи фақатгина энг яхши таклифларни танлаш ва тендер савдолари иштирокчиларининг маълумотларини текширади.

Тўғридан-тўғри шартномалар бўйича контрагентларни текшириш ташаббускорга юклатилади.

**контрагент** – Банкнинг харид жараёнлари доирасида шартномавий муносабатларга киришишни режалаштираётган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс;

**контрагент/контрагентнинг бенефициар эгаси** - контрагентнинг хусусий эгаси бўлган ёки ушбу Контрагент учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш, қабул қилинаётган қарорларга таъсир кўрсатиш ёки бошқача тарзда унинг ҳаракатларини бевосита ёки билвосита назорат қилиш ҳуқуқи ёки имкониятига эга бўлган жисмоний шахс;

**коррупциявий ҳаракатлар** – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкый ҳуқуқлар, мулкый ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар

ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

**манфаатлар тўқнашуви** – Банк ходимининг шахсий манфаати (бевосита ёки билвосита) у томонидан хизмат вазифаларини тегишли тарзда бажаришига таъсир кўрсатаётган ёки кўрсатиши мумкин бўлган ва ходимнинг шахсий манфаати билан Банк манфаатлари ўртасида зиддият юзага келаётган ёки келиши мумкин бўлган вазият;

**электрон дўкон** — давлат харидларининг электрон тизимидаги махсус майдонда савдоларни электрон шаклда амалга оширишни назарда тутувчи, махсус талаблар қўйилмайдиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатли усули;

**махфий ахборот** – бу олиниши, ишланиши, узатилиши ёки фойдаланиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки ахборот эгасининг ички ҳужжатларига мувофиқ чекланадиган ҳар қандай шаклдаги ахборот;

**ташаббускор** – Банк таркибий бўлинмаси;

**ходимнинг шахсий манфаатдорлиги** – Банк ходими, унинг яқин қариндоши ёки ходим билан боғланган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат вазифаларини тегишли тарзда бажаришига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорат ёки нотижорат манфаатлари) пул маблағлари, моддий ва номоддий кадриятлар, бошқа мулк, фойда, имтиёз ва афзалликлар кўринишидаги шахсий фойда олиш;

**Ғолиб** -харид қилиш тартиб-таомиллари яқунларига кўра таклифи энг мақбул деб топилган харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси.

## **II. Текширувни бошлаш тартиби, текширув учун талаб қилиб олинадиган ҳужжатлар ва ахборот манбалари**

2.1 Харид жараёнлари доирасида унинг иштирокчиларини текшириш харид қилиш тартиб-таомиллари яқунлари бўйича ғолиб бўлган таклифнинг акцепти тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар амалга оширилади.

2.2 Харид жараёни доирасида қонунчилик ва Банкнинг ички ҳужжатлари томонидан ўрнатилган муддатларга риоя қилиниши устидан текширувни амалга ошириш учун маъсул – тегишли Харид комиссия ёки шартнома ташаббускори (агар харид тўғридан-тўғри шартнома бўйича амалга оширилаётган бўлса)ҳисобланади.

2.3 Контрагентлар текшируви ижрочи томонидан ҳужжатлар ташаббускоридан ушбу Йўриқноманинг 2.4-бандида кўрсатилган ҳужжатлар олинган санадан 5 кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

2.4. Контрагентларни текшириш Харид қилиш ҳужжатларнинг малака талабларида кўрсатилган шакллар билан амалга оширилади. Уларга қуйидагилар киради:

- 1- Шакл: Харид комиссияси номига ариза;
- 2- Шакл: Кафолат хати;
- 3- Шакл: Иштирокчи ҳақида умумий маълумот;
- 4- Шакл: Молиявий ҳолати тўғрисида маълумот;
- 5- Шакл: Коррупция ҳолатларини олдини олиш тўғрисида ариза.

2.5. Контрагентнинг малака ҳужжатларини текшириш чоғида маълумотлар етарли бўлмаса, Харид комиссияси аъзолари қарорига кўра харид савдоларидан Қонун ҳужжатларида кўрсатилган методларга асосан четлатиши мумкин.

2.6 Контрагентдан олинган барча ҳужжатлар контрагентнинг ваколатли вакили томонидан тегишли тарзда тасдиқланган бўлиши лозим. Тақдим этиладиган ҳужжатлар текшириш даврида амал қилаётган бўлиши керак.

2.7. Контрагентни текшириш учун маълумотлар тўплаш ижрочи томонидан контрагент, унинг эгалари ва раҳбарлари, фаолияти тўғрисида яхлит ва холис фикрга эга бўлиш, шунингдек, ундан олинган ҳужжат ва маълумотларнинг ишончлилиги, шу жумладан, уларнинг ишончсизлиги бўйича белгилар йўқлигини (сохталаштириш аломатлари мавжуд эмаслигини) баҳолаш учун амалга оширилади.

2.8. Контрагентларни текшириш доирасида ижрочи қуйидагиларни таҳлил қилади:

- контрагент томонидан тақдим этилган ахборот ва ҳужжатлар;
- очик манбалардан олинган маълумотлар. Ижрочи 1-иловада кўрсатилган ахборот манбаларидан фойдаланиши мумкин. Ушбу рўйхат тавсиявий бўлиб, зарурият туғилганда ижрочи бошқа манбалардан фойдаланиши мумкин;
- тегишли ташкилотларга расмий сўровнома юбориш йўли билан олинган ҳужжатлар.

2.9 Контрагентни текшириш учун ишлатилган манбалар қонунийлик ва холислик талабларига жавоб бериши керак.

### **III. Контрагентларни текшириш методологияси**

3.1 Контрагентларни текшириш қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилади:

- 1) Контрагентнинг харид савдоларида тақдим этилган маълумотлари харид қилиш ҳужжатларидаги малака талабларига мос келишлиги.
- 2) Харид комиссияси аъзоларига нисбатан манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслигини текшириш.

Кўрсатилган йўналишлар бўйича текширув ўтказиш мажбурий ҳисобланади. Текширув йўналишлари рўйхати ҳар бир алоҳида ҳолатда ижрочининг харид комиссияси қарори билан келишилган талаби билан кенгайтирилиши мумкин. Бунда, текшириш йўналиши давлат харидларини тартибга солувчи қонунчиликка зид бўлиши ва (ёки) рақобат тамойилларини чеклашга олиб келишига йўл қўйилмаслиги лозим.

3.2 Ижрочи фойдаланиш мумкин бўлган ахборот манбаларининг таҳлилин амалга оширади ва 3.4-3.6-бандларда кўрсатилган ҳар бир йўналишга нисбатан қуйидаги контрагентнинг текширув натижалари тўғрисида маълумотларнинг бор-йўқлигини белгилайди.

3.3 Ушбу Йўриқнома амалга киритилгунга қадар шартномавий муносабатларда бўлган Банкнинг амалдаги контрагентни текширишда бундан аввалги шартномавий муносабатларнинг давомийлиги, ушбу контрагент билан ўзаро ҳаракат тажрибаси ва унинг Банк билан аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларни бажаришдаги ҳалоллигини текширади.

3.4 Контрагентнинг харид савдоларида тақдим этилган маълумотлари харид қилиш ҳужжатларидаги малака талабларига мос келишлигини ижрочи қуйидаги маълумотлар орқали аниқлайди:

1- Шакл: Харид комиссияси номига ариза. Аризада харид жараёнида иштирок этиш таклифи берилади.

2- Шакл: Кафолат хати<sup>1</sup>. Кафолат хатида контрагент:

- фаолиятини тугатиш, қайта ташкил этиш, ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

- солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

3- Шакл: Иштирокчи ҳақида умумий маълумот:

- Иштирокчининг номи;

- Иштирокчининг мулк шакли;

- Иштирокчининг юридик манзили;

- Иштирокчининг телефон рақами;

- Иштирокчининг СТИР;

- Иштирокчининг банки ва ҳисобрақами;

- Иштирокчининг асосий фаолияти;

- Иштирокчининг Раҳбари;

- Иштирокчининг таъсисчиси ФИО ва улуши %;

4- Шакл: Молиявий ҳолати тўғрисида маълумот. Иштирокчининг охириги 3 йилдаги молиявий маълумотлари акс этган бўлади.

5- Шакл: Коррупция ҳолатларини олдини олиш тўғрисида ариза. Иштирокчи томонидан коррупция ҳолатларига ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик тўғрисида ариза топширади.

3.5 Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддасига мувофиқ, Давлат буюртмачисининг, давлат харидлари электрон тизими операторининг, ихтисослашган ташкилотнинг, эксперт ташкилотининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари, шунингдек харид комиссиясининг аъзолари ҳамда экспертлар харид қилиш тартиб-таомилларини амалга оширишда ўз иштирокидаги давлат харидларига доир битимнинг натижаси бўлган ҳар қандай шахсий фойдани бевосита ёки билвосита олиш ҳуқуқига эга эмас.

**3.6 Ижрочи манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки йўқлигини қуйидаги мезонлар бўйича текширади:**

контрагент ва Харид комиссияси аъзолари ўртасида аффилиланганлик алоқаларининг мавжуд эмаслиги (Харид комиссиясининг Манфаатлар тўқнашуви мавжудлигини текширишни ижрочи контрагентлар томонидан тақдим этилган маълумотларни Харид комиссияси аъзолари томонидан тақдим этилган маълумотлар билан солиштириш орқали амалга оширади);

манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган бошқа шароитлар.

#### **IV. Текширув натижаларини расмийлаштириш ва ҳужжатлаштириш**

<sup>1</sup> Кафолат хатида сўралган маълумотлар Махсус ахборот порталининг автоматлаштирилган чекловчи функцияларига киритилган

4.1. Ўтказилган текширув натижалари бўйича ижрочи ушбу Йўриқномага 2-иловада келтирилган шаклда маълумотлар беради. Контрагент текшируви натижалари тўғрисидаги маълумотларга ижрочи харид ҳужжатлари малака талаблари шакллари электрон<sup>2</sup> ёки ёзма кўринишда илова қилади.

4.2. Электрон дўкон ва тўғридан-тўғри шартнома тузиш жараёнида аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳақида ташаббускор Ахборот ва банк хавфсизлиги департаменти Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш Бошқармасини хабардор қилади.

4.3. Контрагент ва Банк ходими ўртасида реал манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган тақдирда, у Харид жараёнини давом эттиришдан олдин «Ўзмиллийбанк» АЖнинг худудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низомга (№606 10.03.2022й) асосан тартибга солиниши керак. Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш имкони бўлмаган тақдирда контрагент харид жараёнида иштирок этишдан четлатилиши лозим.

4.4. Агар тўғридан-тўғри харидлар доирасида контрагентни текшириш натижаларига кўра, коррупциявий хавф-хатарнинг мавжудлигини ёки коррупцияга қарши курашиш тизимининг йўқлигини кўрсатувчи маълумотлар аниқланса, у ҳолда контрагент билан шартнома тузиш эҳтимоли ҳақидаги қарор Банк бошқарув Раиси томонидан қабул қилинади.

4.5. Контрагент текшируви натижалари тўғрисидаги маълумотнома мажбурий тартибда харид қилиш жараёнлари натижалари тўғрисидаги қарор қабул қилиш, шартнома бўйича келишиш ва тўловларни амалга ошириш учун талаб этилувчи ҳужжатлар пакетига қўшиб қўйилади.

4.6. Текширув натижалари тўғрисидаги маълумотнома чиққанидан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай Ахборот ва банк хавфсизлиги департаменти Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш Бошқармаси (кейинги ўринларда – **Ваколатли орган**) бу ҳақидаги маълумотни ушбу йўриқноманинг 3-иловага мувофиқ шаклда Контрагентларни текшириш реестрига киритади.

4.7. Контрагентларни текшириш реестри, ташаббускор бўлинманинг товар ёки хизматларни сотиб олиш ҳақидаги тасдиқланган билдирги нусхаси, техник топшириқ нусхаси, контрагентни текшириш натижалари тўғрисидаги маълумот, контрагентлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар(счёт фактура) ҳамда ижрочи томонидан тегишли манбалардан олинган маълумотлар нусхалари контрагент билан шартнома муносабатлари тўхтатилган кундан бошлаб камида 3 (уч) йил Ваколатли орган тузилмасида сақланади.

4.8. Контрагентларни текшириш реестри ташаббускор бўлинманинг товар ёки хизматларни сотиб олиш ҳақидаги тасдиқланган билдирги нусхаси, техник топшириқ нусхаси, контрагентни текшириш натижалари тўғрисидаги маълумот, контрагентлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ҳамда ижрочи томонидан тегишли манбалардан олинган маълумотлар нусхалари конфеденциал бўлиб, Банк ходимларига хизмат вазифалари ва ваколатлари бундай маълумотлардан фойдаланишни ўз ичига олмаган бошқа учинчи шахсларга ошкор қилинмайди.

## V. Яқуний қоида

<sup>2</sup> Ҳужжатлар тизимдан электрон шаклда юклаб олинган маълумотлар кўринишида тақдим этилади.

5.1 Контрагентларни текшириш жараёни доимий равишда Ваколатли орган томонидан мониторинг қилиб борилади.

5.2 Давлат харидлари ва коррупцияга қарши қонунчиликнинг ушбу йўриқномага таъсир қиладиган нормалари ўзгарганда, ушбу Йўриқнома қайта кўриб чиқилилади.

Банкда контрагентларни  
текширишга оид йўриқномага  
1-илова

### **Контрагентларни текшириш учун очик ахборот манбалари**

1. Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар тўғрисидаги маълумотларни текшириш Давлат хизматлари агентлиги платформаси - [https://fo.birdarcha.uz/s/ru\\_landing](https://fo.birdarcha.uz/s/ru_landing)
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси - <http://registr.stat.uz/>
3. Солиқ органларининг электрон давлат хизматлари портали - <https://my2.soliq.uz/main/info/debtors?lang=uz>
4. Ўзбекистон Республикаси очик маълумотлар портали - <https://data.gov.uz/ru>
5. Тошкент шаҳар ер ресурслари ва Давлат кадастри бошқармаси - <http://kadastr.uz/ru/>
6. Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри - <http://xarid.uz/unfairexecutor>
7. Иқтисодий, маъмурий, жиноий ва фуқаролик судларининг суд ҳужжатлари - <https://public.sud.uz/#!/sign/view>
8. Офшор зоналар рўйхати- <http://www.fatf-gafi.org/publications/high-risk-and-other-monitored-jurisdictions/documents/call-for-action-february-2021.html>
9. АҚШ махсус тоифадаги ва тақиқланган шахслар рўйхати (ёки WorldCheck маълумотлар базаси)- <https://sanctionssearch.ofac.treas.gov/>
10. Табиий монополия субъектларининг давлат реестри <https://data.egov.uz/uzbKr/data/610b8a641a64fdd0373a8f56>
11. Молия вазирлиги корпоратив ахборот ягона портали <https://.openinfo.uz/>
12. Корхона ва ташкилотлар, товар белгилари ҳақида маълумот <https://orginfo.uz/>

Ушбу рўйхат ижрочи томонидан текшириш учун тавсия этилган манбалар рўйхати бўлиб, зарур бўлганда кенгайтирилиши мумкин.

<sup>3</sup>Контрагентни текшириш ҳақидаги маълумотнома

- |   |       |                                     |     |                                     |
|---|-------|-------------------------------------|-----|-------------------------------------|
| 1. Иштирокчининг номи   | _____ |                                     |     |                                     |
| 2. СТИР   | _____ |                                     |     |                                     |
| 3. Рўйхатга олинган сана  | _____ |                                     |     |                                     |
| 4. Юридик ва манзили  | _____ |                                     |     |                                     |
| 5. Раҳбарнинг ФИШ   | _____ |                                     |     |                                     |
| 6. Таъсисчиларнинг ФИШ  | _____ |                                     |     |                                     |
| 7. Хизмат кўрсатувчи банк номи ва хисобрақами   | _____ |                                     |     |                                     |
| 8. Иштирокчининг асосий фаолияти харид предметиға мос келади  | Ҳа    | <input checked="" type="checkbox"/> | Йўқ | <input checked="" type="checkbox"/> |
| 9. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда қарздорликларнинг йўқлиги  | Ҳа    | <input checked="" type="checkbox"/> | Йўқ | <input checked="" type="checkbox"/> |
| 10. Иштирокчига нисбатан жорий этилган қайта ташкил этиш, тугатиш (ликвидация), банкротлик тартиб-таомилларининг йўқлиги        | Ҳа    | <input checked="" type="checkbox"/> | Йўқ | <input checked="" type="checkbox"/> |
| 11. Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида иштирокчи ҳақида ёзувнинг йўқлиги  | Ҳа    | <input checked="" type="checkbox"/> | Йўқ | <input checked="" type="checkbox"/> |
| 12. Иштирокчи хариднинг бошқа иштирокчилари билан аффилиланмаган  | Ҳа    | <input checked="" type="checkbox"/> | Йўқ | <input checked="" type="checkbox"/> |
| 13. Манфаатлар тўқнашуви / иштирокчининг Харид комиссияси аъзолари билан аффилиланганлиги ҳақида маълумот                       | Ҳа    | <input checked="" type="checkbox"/> | Йўқ | <input checked="" type="checkbox"/> |
| 14. Коррупция ҳолатларини олдини олиш тўғрисида ариза. Малака талабининг 5-Шаклига асосан барча сўралган талабларга мувофиқлиги | Ҳа    | <input checked="" type="checkbox"/> | Йўқ | <input checked="" type="checkbox"/> |
| 15. Маълумотномага иштирокчиларнинг малака талаблари бўйича 1-5 Шаклда топширилган ҳужжатлар илова қилинади.                    |       |                                     |     |                                     |

<sup>3</sup> Контрагентларни текшириш ҳақидаги маълумотлар фақатгина Энг яхши таклифларни танлаш ва тендер иштирокчиларининг малака ва техник талабларнинг барчасига жавоб берган иштирокчиларга нисбатан қўлланилади ва иштирокчилар томонидан топширилган ҳужжатлар асосида текширилади.

Харид жараёни иштирокчисини текширишни амалга оширган ходимлар ҳақида  
маълумотлар

Ф.И.Ш.

Лавозими

Маълумот тузилган сана

Лотнинг рақами

Имзо

